



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 4 » may

№ 273

Toshkent sh.

### **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Энергетика муаммолари институтини ташкил этиш тўғрисида**

Энергетик хавфсизлик, энергетик самарадорлик ва энергетиканинг барқарор ривожланиши – энергетика соҳасининг асосий стратегик йўналишлари ҳисобланиб, истиқболда республика энергетика мажмуасида инновацион векторнинг амалга оширилиши доирасидаги вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши истиқболлари билан узвий боғлиқдир.

Саноатнинг энергия кўп истеъмол қилинадиган тармоқларида илмий-инновацион инфратузилмани яратиш, иқтисодиёт тармоқларига анъанавий ва муқобил энергия манбаларини кенг жорий этиш ҳисобига энергия балансини диверсификация қилиш, соҳада хорижий илмий муассасалар билан ҳамкорликни кенгайтириш, юқори малакали илмий кадрлар даражасини ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 19 мартдаги ПҚ–5032-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Энергетика вазирлигининг “Ўзбекэнерго” АЖ Илмий-техника маркази” МЧЖ негизида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Энергетика муаммолари институтини (кейинги ўринларда – Институт) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Институтнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республикада энергетика барқарор ривожланишининг келажак стратегиясини ишлаб чиқиш, ўрта ва узок истиқболда ёқилғи-энергетика комплексининг ривожланиши ва модернизацияси бўйича дастурларни тайёрлашда иштирок этиш;

муқобил (ноанъанавий) энергия асосидаги янги технологиялар, энергетик ускуналар ва тизимларнинг республика иқлим шароитларида ресурс кўрсаткичларини ўрганиш мақсадида синовларни амалга ошириш;

иқтисодиёт тармоқлари энергия сарфини пасайтириш бўйича комплекс тадқиқотларни ўтказиш ва аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш;

энергетика соҳасида рақамли иқтисодиёт ривожланишининг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, “интеллектуал тармоқлар” назариясини ривожлантириш ва энергетика соҳасига жорий этиш усулларини ишлаб чиқиш;

мамлакатнинг энергетик хавфсизлигини таъминлаш, табиий ва техноген тусдаги фавқулудда вазиятларда ёқилғи-энергетика комплекси объектларининг барқарор фаолиятини таъминлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш;

минтақанинг қўшни давлатлари ўртасида ёқилғи-энергия манбаларидан биргаликда фойдаланиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш;

иқтисодиётнинг турли соҳаларида анъанавий, шунингдек муқобил ва қайта тикланадиган энергиядан фойдаланиш билан боғлиқ фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни амалга ошириш;

ёқилғи-энергетика ресурсларидан уларни ҳосил қилиш, сақлаш, етказиб бериш ва фойдаланиш босқичларида самарали фойдаланиш усулларининг илмий-техник даражасини ошириш;

ёқилғи-энергетика ресурсларини ҳосил қилиш, сақлаш, етказиб бериш ва тақсимлаш таннархини пасайтириш мақсадида замонавий энергетик технологияларни трансфер қилиш ва республика шароитига мослаштиришни асослаш, энергетика соҳасига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

мамлакатда энергетик машинасозлик ва электротехника саноати, унга хизмат кўрсатувчи тармоқлар ривожига илмий-техник жиҳатдан кўмаклашиш;

соҳадаги хорижий муассасалар билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, муваффақиятли тажрибалар ва аниқ инновация моделлардан кенг фойдаланиш, жадал ахборот алмашинувини таъминлаш;

соҳада фан ва таълим интеграциясини таъминлаш мақсадида олий таълим ташкилотларининг энергетика йўналишидаги факультет ва кафедралари ўқув дастурлари ва методик қўлланмаларни ишлаб чиқишда иштирок этиш, талабаларнинг лаборатория ишларини бажариш учун Институт лабораторияларидан фойдаланиш, Институт илмий ходимларининг дарс жараёнларида иштирок этишини таъминлаш орқали юқори малакали кадрларни тайёрлашда, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда иштирок этиш;

энергетика соҳасидаги илмий йўналишлар ва тегишли ихтисосликлар бўйича илмий даражали кадрларни тайёрлаш.

### 3. Белгилаб қўйилсинки:

#### а) Институт:

давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ҳамда Институт номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида шахсий ғазна ҳисобварағига эга бўлади;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги илмий ташкилот сифатида давлат буюртмалари ва дастурларини амалга оширишда ҳамда фундаментал ва амалий тадқиқотларни олиб боришда иштирок этади;

Энергетика вазирлигининг “Ўзбекэнерго” АЖ Илмий-техника маркази” МЧЖнинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

б) Институтга Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси уставида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади ҳамда у Фанлар академиясининг тегишли вице-президенти билан келишган ҳолда Институт директори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган икки нафар ўринбосарга, жумладан, директорнинг илм-фан бўйича ўринбосари ҳамда директорнинг умумий масалалар бўйича ўринбосарига эга бўлади;

в) Институт фаолиятини йўлга қўйиш учун зарур сақлаш харажатлари, шу жумладан, бошқарув, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига ажратиладиган маблағлар доирасида қопланади, 2022 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

#### 4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари институтининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари институти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштирилладиган илмий ходимлари сонини 2025 йил 1 январгача босқичма-босқич мақбуллаштириш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президентига, зарурат бўлганда, Институт тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Қуйидагилар Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари (Институт бино ва иншоотларини сақлаб туриш, шунингдек, ходимлар иш ҳақи учун);

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожлантириш вазирлиги томонидан ажратиладиган маблағлар (давлат буюртмаси асосида амалга ошириладиган илмий-тадқиқот лойиҳаларини молиялаштириш учун);

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Институтга юкланган вазифаларни бажариш учун қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бюджетдан ташқари маблағлари доирасида унга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

тадқиқотларни амалга оширишга республика илмий-тадқиқот институтлари ва марказлар ходимларини, олий таълим ташкилотлари профессор-ўқитувчилари таркибидан ходимларни, шунингдек, хорижлик олимлар ва мутахассисларни шартнома асосида жалб этиш;

ҳалқаро ташкилотлар, жумладан, жамғармалар, хорижий тадқиқот марказлари, шунингдек, таълим ташкилотлари билан тадқиқотлар ўтказиш ва кадрлар тайёрлаш бўйича шартномалар тузиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси:

а) бир ой муддатда:

Институт уставини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

“Ўзбекэнерго” АЖ Илмий-техника маркази” МЧЖнинг ускуналари, мебеллари, моддий бойликлари ва бошқа мол-мулкларини Институтга белгиланган тартибда бериш мақсадида хатловдан ўтказсин;

б) икки ой муддатда:

Инновацион ривожланиш вазирлигига давлат буюртмасини бажариш бўйича илмий-тадқиқот лойиҳалари танловини эълон қилиш учун энергетика соҳасидаги мавжуд муаммоларнинг илмий ечимини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш бўйича белгиланган тартибда асосланган таклиф киритсин;

Энергетика вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда Институтнинг 2021 – 2025 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин ҳамда Фан ва технологиялар бўйича республика кенгашида тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Институт Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Чингиз Айтматов кўчаси 2Б-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Физика-техника институтининг биносига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М. Умаров ҳамда Фанлар академияси президенти Б.С. Юлдашев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

## Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари институтининг ТУЗИЛМАСИ



*Институт ходимларининг умумий чекланган сони – 31 нафар, шундан илмий ходимлар сони – 21 нафар. Буюртма асосида бажариладиган илмий лойиҳаларни амалга оширишда қатнашадиган илмий ходимлар шартнома асосида жалб этилади.*

*\*) Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ нормативлар бўйича белгиланади.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил "4" майдаги 273 -сон қарорига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари  
институти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига  
молиялаштириладиган илмий ходимлари сонини 2025 йил 1 январгача  
босқичма-босқич мақбуллаштириш  
ЖАДВАЛИ**

Т/р	Лабораториялар номлари	Илмий ходимлар штат бирликлари сони		
		2021–2022 йй.	2023–2024 йй.	2025 йилдан бошлаб
1.	Энергетиканинг ривожланиш истикболлари ва энергетик хавфсизлик	3	2	1
2.	Электр энергетика тизимлари ва мажмуалари	3	2	1
3.	Муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан комплекс фойдаланиш	3	2	1
4.	Электротехнологиялар ва энергетик ускуналарни эксплуатация қилиш	3	2	1
5.	Энергия самарадорлиги ва энергия тежаш тизимлари	3	2	1
6.	Интеллектуал энергия тизимлари, энергетик тизимлар ва куватларни интеграциялаш	3	2	1
7.	Интеграция-ресурс маркази	1	1	1
	<b>Жами</b>	<b>19</b>	<b>13</b>	<b>7</b>

